

# Biznes-Эксперт

№ 3, 2021

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

НОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

ИЛИМий АМАЛИЁТ

Ушбу сонда:

**Тижорат банклари рақобатбардошлигини  
оширишнинг инновацион стратегиялари**

В этом номере:

**Учет вознаграждения работникам  
по МСФО**

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ФИНАНС

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

## ДИҚҚАТ!

"Biznes-Daily Media" kompaniyasi tomonidan tuzilgan MCHJ va EBSCO Publishing, Inc. (AQSH) o'rtasida 2017 йил 8 avgustda tuzilgan shartnomaga asosan, "Biznes-ekspert" jurnali joriydan kelib barcha akademik va shaxsiy elektron tizimlar doirasida EBSCOhost ma'lumotlar bazasiga qaratilgan va shu tizim orqali duniy bo'ylab tarqalmoqda.

## ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №201/3 от 20 декабря 2017 года, журнал «Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных журналов Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

# Мундарижа

## Тажриба ва самара

Жасурбек АТАНИЯЗОВ, Набидадин МАННОНОВ.  
Тижорат банклари ва корхоналарнинг  
интеграциялашувини кучайтириш 3

## Саноат

Равшан ИСАЕВ. Тўқимачилик саноати корхоналарида  
интеграциялашган сифат менежменти ва стратегик  
бошқариш тизимининг концептуал асослари 7

## Нуқтани назар

Қуатбай ИСМАЙЛОВ, Сарсенгалий БАЙЖАНОВ.  
Аҳоли бандлиги – меҳнат ресурсларидан  
самарали фойдаланиш манбаси 10

## Инвестиция

Латофат КАРИЕВА. Модернизация шароитида  
корхонанинг инвестицион фаолияти ва лойиҳаларини  
бошқариш 14

## Таҳлил

Баҳром МУРАДОВ, Азамат МУХИДДИНОВ.  
Чармпойабзал саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш  
самарадорлигини таъминлашнинг назарий асослари 18

## Бандлик

Бердимурод БОЗОРОВ, Жамшид ҚУШВАҚТОВ.  
Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши:  
бандлик муаммоси ва унинг ечимлари 21

## Аграр соҳа

Гўзал АДИЛОВА. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш  
стратегиясининг устувор йўналишлари 25

## Тараққиёт

Гулбахор СОЛИЕВА, Умиджон СУЛТОНБОЕВ.  
Рақамли иқтисодиётда тижорат банклари фаолиятини  
ривожлантириш йўналишлари 29

## Кластер

Дилбар ХОДЖАЕВА. Кластер – рақобатбардош  
иқтисодиётни шакллантирувчи восита сифатида 32

## Корпоратив бошқарув

Отабек ГУЛЯМОВ, Илҳом ДЖУРАЕВ,  
Исроил МИРЗАБАЕВ, Искандар НАРЗУЛЛАЕВ.  
Корпоратив бошқарувнинг объектив аҳамияти  
ва уни ривожлантириш масалалари 35

## Маркетинг

Фотима БОБОХЎЖАЕВА.  
Банк тизимида маркетингдан фойдаланишни  
такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари 39

## Таdqиқот

Жавлон ТОХИРОВ, Саиджон ҲАМИДОВ.  
Бухоро шаҳрида турар-жой кўчмас мулкнинг тури  
сегментлардаги ҳолати 42

## Тажриба ва самара

Насиба ОМОНОВА.  
Пахта тозалаш корхоналари ходимлари компетенциясини  
ривожлантиришда жараёнли ёндашувни  
қўллаш самарадорлиги 46

## Банк фаолияти

Бекзод НАБИЕВ. Тижорат банкларининг молия  
бозоридаги фаолиятини ривожлантириш масалалари 50

## Бошқарув

Ширин ТУРСУНХОДЖАЕВА.  
Молиявий рискларни интеграцион бошқарувда  
“ҳар бир ходим – риск бошқарувчи” тамойилини асослаш 55

## Жараён

Отабек БЕГМУЛЛАЕВ. Хусусийлаштириш ва давлат  
тасарруфидан чиқариш ҳамда саноат корхоналарини  
бозор шароитларига самарали мослаштиришнинг  
ўзаро алоқаси 60

## Инновация

Жамшид ЮЛДАШЕВ. Тижорат банклари  
рақобатбардошлигини оширишнинг  
инновацион стратегиялари 63

## Ислоҳот

Шоҳида АРТИКОВА. Рақамли иқтисодиёт шароитида  
хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш 68

## Хориж тажрибаси

Юлдуз ХАДЖАЕВА. Корея Республикасида таълим  
тизимини молиялаштириш ҳолати 71

## Хизматлар соҳаси

Қудрат ДИЛМОНОВ. Хизмат кўрсатиш соҳасида  
ўзини ўзи банд қилишнинг аҳоли турмуш  
даражасига таъсири 74

## Нигоҳ

Севара ШОДИЕВА. Ўзбекистон енгил саноатини барқарор  
ривожлантириш 78

## Содержание

### Взгляд

Абубақр МУХАМЕТОВ, Камолиддин РАХМАТОВ,  
Дилором МУХАМАДИЁРОВА,  
Мухаммадқодир АБДУАЗИЗОВ.  
Учет вознаграждений работникам по МСФО 81

### Развитие

Гулнора САИДОВА, Камола ИБРАГИМОВА,  
Лайло ИСАЕВА. Тенденции развития мирового  
автомобильного рынка в условиях глобализации 89

### Аналитика

Меҳроҳ ХАМРАЕВ.  
Страхование туристического бизнеса 93

## ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

## ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

### Қаландар АБДУРАҲМОНОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

## ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

### Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

### Gerhard FELDMAYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)

доктор экономических наук, профессор (Германия)

### Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)

доктор экономических наук, профессор (Япония)

### Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)

доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

### Нагмет АИМБЕТОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

### Юрий ОДЕГОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

доктор экономических наук, профессор (Россия)

### Игорь БУТИКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

### Фармонқул ЭГАМБЕРДИЕВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

### Мухиддин КАЛОНОВ

иқтисодиёт фанлари доктори,

доктор экономических наук

### Адҳам БЕКМУРОДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

### Мухиддин ПЎЛАТОВ

иқтисодиёт фанлари доктори

доктор экономических наук

### Дурбек АХМЕДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

### Бахтиёр ИСЛОМОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

### Баҳодир УМУРЗАКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

## Хизмат кўрсатиш соҳасида ўзини ўзи банд қилишнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири Влияние самозанятости в сфере обслуживания на уровень жизни населения The impact of self-employment in the service sector on the standard of living of the population

Қудрат ДИЛМОНОВ,  
Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси.

### Аннотация

Ушбу мақола хизмат кўрсатиш соҳасида ўзини ўзи банд қилишнинг аҳоли турмуш даражасига таъсирига бағишланган. Мақолада кишиларнинг ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатдан ўтишида таъсир этувчи омиллар ҳисобга олинган бўлиб, уларга турли имтиёзлар ва кредитлар ажратиш имкониятлари ҳамда ўзини ўзи банд қилиш тажрибасининг аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўишиши назарда тутилган.

Эта статья посвящена влиянию самозанятости в сфере услуг на уровень жизни. В статье учтены факторы, влияющие на регистрацию людей в качестве самозанятых, предоставляются им различные льготы и возможности кредитования, а опыт самозанятости способствует занятости населения.

This article focuses on the impact of self-employment in the service sector on living standards. The article takes into account the factors influencing the registration of people as self-employed, provides them with various benefits and credit opportunities, as well as the experience of self-employment contributes to the employment of the population.

Бугун жаҳонда тобора чуқурлашиб бораётган коронавирус пандемияси оқибатида кўплаб мамлакатларда ишсизлик даражаси кескин ошиб, ижтимоий-иқтисодий муаммолар борган сари жиддий тус олмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2020 йил COVID-19 пандемияси бошланганлигини хабар бериши билан, у тезда мисли кўрилмаган глобал иқтисодий ва меҳнат бозори инқирозини юзага келтирди, бандликда катта йўқотишларга олиб келди. Вирус бутун дунёга тарқалиши билан унинг иқтисодиётга салбий таъсири ҳам паралел равишда ошди. Бунинг натижасида йирик корхоналар, ташкилотлар ва мавсумий

иш жойлари ёпилиши билан, бир неча ҳафта ёки ойлар давомида даромадларининг тўлиқ ёки бир қисми йўқотилди. Ушбу ҳолатларнинг кўлами дунё бўйлаб иш вақтининг 12,1 фоиз йўқотилиши яъни, 345 миллион доимий иш жойига тенг эканлиги тахмин қилинмоқда. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига кўра 2019 йилнинг тўртинчи чорагига нисбатан 2020 йил учинчи чорагида глобал меҳнат даромадлари 10,7 фоизга пасайиши оқибатда 3,5 трлн. АҚШ долларига тенг маблағнинг йўқотилишига олиб келди. Айниқса, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган 76 фоиз норасмий ишчилар жабр кўришига олиб келди<sup>1</sup>.

**Калит сўзлар:** хизмат, хизмат кўрсатиш, бандлик, турмуш даражаси, ўзини ўзи банд қилиш, кредит, меҳнат сиғими, капитал сиғими.

<sup>1</sup> World Health Organization (WHO) Coronavirus Disease (COVID-19) Dashboard, <https://covid19.who.int/>

Шу тўғрисида, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий хусусиятдан келиб чиқиб аҳолининг иш билан бандлиги масаласи доимо ўз долзарблигини йўқотмайди ва у ҳар доим давлат раҳбарининг диққат марказидадир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сонли «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг мақсади ҳам аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлиб, қарорнинг иловасида ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати иловага мувофиқ 67 та этиб кенгайтирилган<sup>2</sup>.

Таъкидлаш жоизки, юртдошларимиз орасида бирор корхона, идора ёки ташкилотда ўзига қулай иш тополмаслиги натижасида меҳнат шартномаси, доимий иш ҳақиға эга бўлмаган, бироқ турли мавсумий меҳнат билан банд ёки оиласида томорқа билан шуғулланиб, даромад топадиганлар кўпчиликти ташкил этади. Аммо шу кунга қадар уларнинг фаолияти ҳеч қаерда қайд этилмасди. Бу эса пенсия ёшига етганда нафақа тайинлаш учун талаб қилинадиган меҳнат стажига йўқлиги муаммосини келтириб чиқаради.


Инсоннинг меҳнати у ишлаб чиқаришда бўладими ёки хизмат кўрсатиш соҳасида, шу даражада серқирра ва мураккабки, уни қандайдир бир

кўрсаткич ёки йўналиш билан баҳолаб бўлмайди. Бунинг бир қанча йўналишларида баҳолаш мумкин. Ушбу масала бўйича ёш олим О.Пардаев монографиясида хизмат кўрсатиш соҳасига қуйидаги тўққизта йўналиш бўйича қарашни мақсадга мувофиқ деб топади<sup>3</sup>:

- иш кучи соҳибини нуқтаи назаридан;
- моддий ва номоддий неъмат яратилиши нуқтаи назаридан;
- меҳнатнинг характери нуқтаи назаридан;
- давлат нуқтаи назаридан;
- жамият нуқтаи назаридан;
- ЯИМнинг яратилиши нуқтаи назаридан;
- такрор ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан;
- мулкдор нуқтаи назаридан;
- меҳнат жамоаси нуқтаи назаридан;

Ушбу йўналишлар бир-бири билан узвий боғлиқликда. Чунки, ҳаммасининг замирида манфаатдорлик мавжуд. Манфаатдорлик эса, ўз навбатида, меҳнат қилишга ундайди. Меҳнат эса натижанинг миқдорини белгиловчи асосий омилдир. Айниқса, хизматларга сарфланган меҳнатни иш кучи соҳибини нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, ҳар қандай меҳнат сарфланган меҳнат ва вақтдан иборат бўлиб, унинг амалга оширилганлиги учун иш кучи соҳибини ҳақ олишни, яъни, маълум даражада наф кўришни кўзда тутаяди.

Ишчи кучи соҳибининг меҳнати натижасида яратилган моддий неъмат инсонларнинг моддий эҳтиёжини қондиришга, улар томонидан кўрсатилган хизматлар асосан инсонларнинг маънавий



1-чизма. Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши<sup>4</sup>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сонли «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори \ \ lex.uz.

<sup>3</sup> О.М.Пардаев. Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2017, 8-9 бетлар.

<sup>4</sup> Shodmonov Sh.Sh., G'ofurov U.V. Iqtisodiyot nazariyas: Darslik.– Toshkent.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. - 42 b.

оламини юксалтиришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши муҳим аҳамият касб этиб, у турли соҳалар, бўлималар, яратилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар турларини ифодалайди. Энг аввало, ишлаб чиқаришни моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига ажратиш лозим (1-чизма).

Ўз навбатида, моддий ишлаб чиқариш соҳаси моддий неъматларни ишлаб чиқариш (масалан, автомобиль, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, ва ҳ.к.) ва моддий хизматлар кўрсатиш (транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар)дан иборат бўлади.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳаси ҳам номоддий неъматларни ишлаб чиқариш (масалан, музика асарлари, бадий ва илмий асарлар, ихтиро ва кашфиётлар) ва номоддий хизматлар кўрсатиш (ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)га ажралади. Бу соҳалар бир-бири билан узвий боғланган ҳолда ривожланади ва бир-бирига таъсир кўрсатади.

Таdqикотларимиздан маълум бўлдики, хизмат кўрсатиш соҳасида ўзини ўзи банд қилиш аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили бўлиб, моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш белгиларини намоён қилади. Хусусан, товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ҳам қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган товарлар ва хизматлар – бу турдаги товарлар ҳамда хизматларни ишлаб чиқаришда капиталдан кўра меҳнат ресурслари кўпроқ талаб қилинади.

2. Капитал сиғимкорлиги юқори бўлган товарлар ва хизматлар – бу турдаги товарлар ҳамда хизматларни ишлаб чиқаришда меҳнат ресурсларидан кўра капитал кўпроқ талаб қилинади.

Кўришиб турибдики, ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатдан ўтгандан сўнг, уларга товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш имкониятларини баҳолаш орқали меҳнат ҳамда капитал сиғимкорлиги юқорилигини инobatта олган ҳолда, турли имтиёзлар ва кредитлар бериш лозим. Чунки, ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатдан ўтишида кўплаб омилар таъсир қилади (2-чизма).

Айни ҳолат 2020 йилги Давлат дастурида ҳам алоҳида қайд этилиб, ўзини ўзи банд қилган фуқароларга қатор энгиликлар яратиш лозимлиги белгиланди. Хўш, кимлар ўзини ўзи банд қилган шахслар саналади? Уларга қандай имтиёзлар берилган? Бу тажриба ҳақиқатда бандликни таъминлашга ҳисса қўшяптими?

Айниқса, сўнгги вақтларда “ўзини ўзи банд қилиш” атамаси тез-тез тилга олинмоқда. Хўш, аслида улар ким? Ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар – меҳнат даромади олишга йўналтирилган жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган ва ўз фаолиятида ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайдиган жисмоний шахслар меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар ҳисобланади.



**2-чизма. Ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатдан ўтишда таъсир этувчи омиллар<sup>5</sup>.**

Хулоса қилиб айтганда, мамлакат аҳолисининг иш билан таъминланганлиги кишилар даромадларни ташкил қилишда асосий оми ҳисобланади. Айниқса, мамлакатимизда 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳолининг умумий даромадлари ҳажмини сезиларли даражада ўсиши асосан умумий даромадлар таркибида 69,3 фоиз улушга эга бўлган меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар (ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар) ва 25,5 фоизни ташкил этувчи трансфертлардан олинган даромадларнинг сезиларли ўзга-

<sup>5</sup> Муаллиф таdqикотлари асосида тузилган.

риши ҳисобига юзага келган. Меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг номинал ўсиш суръати 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 115,1 фоизни ташкил этди ҳамда аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг 10,5 фоизга ўсишини таъминла-

ди. Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар ёлланма ишчиларнинг даромадлари ҳамда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлардан ташкил топади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори \ \ lex.uz.
2. World Health Organization (WHO) Coronavirus Disease (COVID-19) Dashboard, <https://covid19.who.int/>
3. О.М. Пардаев. Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2017 й., 8-9-бетлар.
4. Shodmonov Sh.Sh., G’ofurov U.V. Iqtisodiyot nazariyas: Darslik.– Toshkent.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. - 42 b.
5. Мьяленко В.И. Востребованность и профессиональная адаптация выпускника на рынке труда региона / В. И. Мьяленко, Т. А. Елисеева // Вестник РАЕН (ЗСО). – 2005 г. – № 8.
6. Xiao, E. A. (2017). Understanding employment to entrepreneurship transitions among women working in the tech industry (Order No. 10265799). Available from Publicly Available Content Database. (1933044244). Retrieved from <https://www.proquest.com/dissertations-theses/understanding-employment-entrepreneurship/docview/1933044244/se-2?accountid=177872>